

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

# JOCAA

МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

# JOURNAL OF CULTURE AND ART

Volume I, ISSUE 5

JULY | 2023

КУЛТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-5

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-5

ТОШКЕНТ – 2023

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-5>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол

Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор

Ходжаметова Гулчира

Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов Фахриддин

Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз Турабович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур

Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида

Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон

Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло

Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**ДАДАЕВ Ахматжон Шакаримович***Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**“Миллий хонандалик” кафедраси доценти*<https://doi.org/10.5281/zenodo.8176468>

## ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚАСИ ВА ИНСОН РУҲИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Инсон табиатан мусиқани севувчи, гўзал оҳанглари тинглаганда хис ҳаяжонга берилувчидир. Мусиқа садолари ҳам тингловчининг руҳиятига албатта таъсир қилади. Хаттоки мусиқа тарбиявий хусусиятга ҳам эгадир. Ўзбек мумтоз мусиқалари ҳам ижобий таъсир кучига эга бўлиб, фарзандларимизни мана шу оҳанглари воситасида тарбиялаш самарали натижаларни олиб келади. Ушбу мақолада ўзбек мумтоз мусиқаларининг, мақомларимизнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган. Қадимий рисолаларда келтирилган маълумотлар ҳам ушбу мақоладан ўрин олган.

**Калит сўзлар:** мақом, мумтоз мусиқа, оҳанг, куй, руҳият, тарбия, хис ҳаяжон, ўзбек мумтоз мусиқаси, инсон руҳияти, оҳанглари воситаси.

**ДАДАЕВ Ахматжон Шакаримович***доцент кафедраси “Национальное пение”,**Государственного института искусства и культуры Узбекистана*

## УЗБЕКСКАЯ КЛАССИЧЕСКАЯ МУЗЫКА И ДУХОВНОСТЬ

### АННОТАЦИЯ

Человек по натуре меломан, когда он слушает красивые мелодии, в нем просыпаются красивые чувства. Звуки музыки также, безусловно, влияют на психику слушателя. Также музыка имеет воспитательную функцию. Узбекская классическая музыка оказывает положительное влияние, и воспитание наших детей с помощью этих тонов приносит эффективные результаты. В этой статье представлена информация о влиянии узбекской классической музыки, макома на психику человека. Информация, представленная в древних трактатах, также представлена в этой статье.

**Ключевые слова:** мақом, классическая музыка, мелодия, мелодия, психика, воспитание, чувство возбуждения, узбекский классический музыка, человеческая психика, инструмент мелодии.

**DADAEV Akhmatjon Shakarimovich***Associate Professor of the Department of "National Singing"  
State Institute of Art and Culture of Uzbekistan***UZBEK CLASSICAL MUSIC AND SPIRITUALITY****ANNOTATION**

A person is a music lover by nature, when he listens to beautiful melodies, beautiful feelings wake up in him. The sounds of music also certainly affect the listener's psyche. Music also has an educational function. Uzbek classical music has a positive impact, and educating our children with these tones brings effective results. This article provides information about the influence of Uzbek classical music, *makom* on the human psyche. The information presented in the ancient treatises is also presented in this article.

**Keywords:** *makom*, classical music, melody, melody, psyche, education, feeling of excitement, uzbek classical music, human psyche, melody instrument.

Ўзбек музикаси неча йиллар давомида ривожланиб, шаклланиб келмоқдаки, у ўз ижрочисини ҳам, тингловчисини ҳам бефарқ қолдирмайди. Аслида маълум бир рухий ҳолатда яратилган бетакор оҳанглар, тингловчисини ҳам ўша ҳолатга олиб кириши шубҳасиз. Музиқа, куй, оҳанг руҳият олами билан бевосита боғлиқдир. Қадимда юнон олимлари музикаий товушлар ва куйларнинг инсон руҳиятига таъсири мавжудлиги ҳақида алоҳида таъкидлаганлар.

Худди шундай араблар ҳам уд чолғусининг ҳар бир ториға оид бўлган маълум бир ҳис туйғулар борлигини ёзганлар. Масалан, биринчи тор – зир (сарик) – мулойим кайфият; иккинчи тор – масно (қизил) – сангвиник темперамент; учинчи тор – маслас (оқ) – флегматик ҳолат; тўртинчи тор (қора) – яширин мелонхолик кайфиятга мос дейилади [1]. Зарйоб уларни музиканинг танаси сифатида баҳолайди ва шунинг учун бешинчи – рух торини қўшишни лозим топади.

Зарйоб Абул-Ҳасан Али бин Нафий тахминан 789-845 ёки 857 йилларда яшаган араб шоири, музикашуноси, бастакор, созанда, удчи ва педагоги. Исҳоқ ал-Мавсийнинг шогирдидир. Бағдод ва Қайрвон (Тунис) саройларида, 822 йилдан Кордовада яшаб, Андалус музика мактабига асос солган. 24 навбани ижод қилган, музикаий созлар яратган, уд созини такомиллаштирган ва 1000 дан зиёд ашула муаллифи саналади.

Бир қанча олимлар қаторида Абдурахмон Жомий ҳам музиканинг инсон руҳиятига таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтган. У бу санъатнинг ўрнини яхши тушунган ва музикадан тўғри истифода қилинса, инсон руҳига фойдали эканини эътироф қилган. “Рисолаи музикаий”да улуғ мутафаккирнинг бундай қарашлари алоҳида ифодаланган: у музикани “роз”, “нақши дилнавоз” сифатида тавсифлаб, “тахсил орасида у илм билан ҳам бир оз шуғулланиб, музикаий илми таълимида оҳанг тузиб хотирани равшанлаштирган эдим. Унинг амаллари қоидалари ҳомил бўлгач, гоҳ унинг таълифи қонунларига биноан лабларни ишга солардим, гоҳ унинг ийқоълари вазнлари асосида қўл урардим...”, дейди [2].

Бундан ташқари ўзбек миллий чолғуларининг овози ҳам ўзига хос тарзда инсон руҳиятига таъсири ўтказди. Масалан, “...най чолғуси оҳанглари инсонни мадрасага, хонақоҳга етакласа, ғижжак созининг оҳанглари майхонага етаклар” деган гап бор. Буни шундай изоҳлаш мумкин: най чолғусидан таралаётган оҳанг чолғучининг нафаси орқали садоланиши ва ундаги товушнинг дарду – фиғонлари инсон руҳиятини тартибга, хушёрликка чакиради. Ғижжак товушининг садолари эса одамзод қалбининг туб – тубида жойлашган дарду ҳасратларини, дунё ташвишларини унутиб, дам олиш ва кўнгил очишга ундайди. Созанда устозларнинг айтишларича, ғижжак чалган ижрочининг бастакорликка мойиллиги бўлар экан.

Шунинг учун ҳам Ўзбек бастакорларининг кўпчилиги ғижжак чалган созандалардир. Демак, ғижжак чолғуси сохибининг истеъдоди янада юксалишига хизмат қилар экан.

Мусиқа қалб беазаги, инсон руҳиятининг ифодасидир. Мусиқа орқали халқ ўзини овунтиради, қувонтиради, келажакка ёруғ назар билан боқади. Бир куни Сукротнинг ҳузурига бир одамни келтирибдилар. “У ҳақдаги фикрингизни айтинг” дейишибди. Бу одам узоқ вақт индамай ўтирган экан. Сукрот: “Нега жимсиз, Сизнинг қандайлигингизни билишим учун гапиришингиз керак”, дебди. Бундан келиб чиқадики одамнинг сўзлаши орқали кайфияти, руҳияти қандайлиги ва нималарга қодир эканлигини англаш мумкин. Айниқса, қуйлаш санъатида одам ҳиссиёт ва кечинмаларини ёрқинроқ ифода этади.

Мақомларимиз ва мақомлар асосида яратилган қуйларимиз ҳам инсон руҳиятига, руҳий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбек мумтоз мусиқаси инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсири туфайли ҳам жуда қадрланади. Аслида бу асарлар ижодкорларнинг руҳияти маҳсули ҳисобланади. Мақомларнинг номланиши ҳам уларнинг таъсиридан келиб чиқади дейиш мумкин. Масалан, Рост Сабо янграётганда тингловчининг кўз ўнгида тонг отиши гавдаланади.

Гўёки, олам қоронғуликдан ёруғликка чиқаётгандек, тонгги шабнамда майсалар покланаётгандек, табиат аста секин жонланаётгандек бўлади. Буларнинг ҳаммаси тингловчининг руҳиятида акс эта бошлайди. Бу асарни асосан кун аввалида тинглаш тавсия этилади, чунки, олимларнинг аниқлашича, Рост Сабони тинглаш жараёнида одам ўзида янги энергияни ҳис этади ва бу ғайратни яхши амалларни бажаришга сафарбар этади.

Шашмақом таркибига кирувчи яна бир нечта асарларни таҳлил қилиб чиқсак. Соқийномаи Рок. Бу шахобча ўтган асрнинг бошлариданоқ, жуда машхур бўлган. Аашулачилар ансамбли жўрлигида ижро этиш қулай бўлганлиги учун ансамблларнинг деярли барчаси Соқийномаи Рокни ўз репертуарларига қўшганлар. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса Соқийномаи Рок бошқа соқийномаларга нисбатан тезроқ ва жонлироқ ижро этилади. Унинг рақсбоплиги эса уфорлардан ҳам ўзиб кетади. Соқийномаи Рокни тинглаган инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний оғриқларни унутади.

Ҳаётнинг шодли ва қувончли кунлари кўп эканлигини, уларнинг қадрига етиш ва шундай дамларни кўпайтириш ўз қўлида эканлигини англайди. Инсон табиатида ўзгарувчанлик, иккиланишлар кўп рўй беради. Фикрни аниқ бир мақсадга йўналтириш қийин бўлган даврларда инсонга мусиқа ёрдам беради. Шундай ашулалардан бири айнан Уфори Рокдир. Унинг сеҳрли кучи шундаки, қуй йўлидаги пардадан пардага сакрашлар фикрни жамлашга ўргатади.

Рост мақомининг иккинчи қисмига мансуб Савти Ушшоқ шўъбаси ушшоқ пардаларидан тузилган бўлиб, шахобчалари билан биргаликда бирин кетин ижро этилади. Шулардан дастлабки Савти Ушшоқдир. Бу ашула Талқин, Наср ва Уфори Ушшоқларнинг Савт усулидаги кўринишидир. Бунда уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари ишлатилган. Ҳар бир инсоннинг катта катта мақсадлари бўлади. Бу мақсадларга осонлик билан эришилмайди. Албатта бу йўлда сабр матонат, меҳнат ва ақл керак. Савти Ушшоқ инсондаги ўша хислатларни уйғотиб, меҳнатга завқини оширади. Борлиққа муҳаббатини орттириб, янги янги мақсадларни пайдо қилади. Бу ашула бир оз оғирдек туюлиши мумкин, лекин уни тинглаган сари эшитувчининг руҳида энгиллик пайдо бўлади.

Устоз хофизларнинг айтишича Савтлар ўтмишда вазмин ва оғирроқ доира усулида ижро этилган экан. Лекин замон зайлига кўра улар тезлашиб, ҳаётга мослашган. Талқинчаи Савти Ушшоқ ана шундай, замонга мослаштирилган ашулалардан биридир. Унинг қуй қиёфаси айнан Савти Ушшоқнинг ўзи, аммо доира усули талқинчага мослаштирилган. Кенг кўламли бу ашула тингловчисини ҳаётда тўғри яшашга, тўғри сўзлашга, тўғрилиқ борасида ўзгаларга ўрнак бўлишга ундайди. Тўғрилиқ билан инсон кўп яхшиликларга эришади. Ҳама нарсага, муҳаббатга ҳам, дўстликка ҳам тўғрилиқ билан эришилса у албатта мустахкам бўлади. Талқинчаи Савти Ушшоқ тингловчисини мана шундай тарбиялайди.

“Янги ой эмасдур ҳилолингча хўб”, деб бошланадиган Соқийномаи Савти Ушшоқ ашуласи халқимиз орасида жуда ҳам машхур. У янграй бошлаши билан тингловчи ўзи сезмаган ҳолда унинг ичига кириб кетади. Тили билан, бор вужуди билан беихтиёр куйлай бошлайди. Бу асар мана шундай жозибали бўлиб, инсонни ўзига дарҳол жалб этади. Бўлғуси мақомдон хонандалар ҳам бу каби ашулалар билан илк мақомчилик ижро кўламини кенгайтирадилар.

Соқийнома сўзининг маъноларидан бири май қуювчининг номаси яъни мактуби деганидир. Май қуювчи деганда айнан косагул тушунилмасдан, ишқ ўтига мубтало қилувчи, ишқ ўтида ёндирувчи одам тушунилади. У ўз ишқидан ошиғини сархуш қилгани учун шундай аталган. Нома эса ундан келган хабардир. Аслида барча Соқийномаларни ишқий лирик ашулалар десак хато бўлмайди.

Ҳар бир мақомнинг ашула бўлими сарахбор билан бошланганидек, Наво мақомини ҳам Сарахбори Наво очиб беради. Наво чиройли куй, гўзал оҳанг деганидир. Навонинг товушқаторига назар соладиган бўлсак у гўзал товушлардан иборат. Бу Сарахбордаги ўша товушқатордан тузилган мусиқа, унга қўйилган Саккокийнинг ғазали бутун бир Наво мақомидан дарак бериб, мақом ичидаги гўзал нағмаларни намоиш этаётгандек бўлади. Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи Нур” китобида ёзилишича одамнинг яралишида жоннинг танага киришида Довуд алайхссаломнинг гарданига ёрдам бериш вазифаси тушади. Шунда у сурнайда шундай куй чаладики, одамнинг жони унинг оҳангига маст бўлиб, танага кириб қолади [3].

Ўша нағма, ўша оҳанг Наво мақомидан экан. Хақиқатдан ҳам Наво пардаларидан тузилган куй чалинганда инсон танаси жумбушга келиб, руҳи ором олади. Сарахбори Навони тинглаб буни ҳис қилиш қийин эмас.

Кўшиқ ва мусиқанинг бетимсол руҳий қуввати одамзотни ҳаётга ва эзгуликка чорлаб келган. Унинг мана шу таъсир кучидан унумли фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни мумтоз асарларимизни тинглашга ўргатишимиз бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Мақомларимиз ва улар асосида яратилган мусиқий асарлар улғайиб келаётган авлоднинг миллийлигимизга бўлган муҳаббатини янада мустаҳкамлайди, қулоғи фақатгина соф оҳангларга ўрганади, руҳий олами янада теранлашиб, дунёқараши кенгаяди. Бизга эса айнан ана шундай ёшларимизнинг кўпайгани керак. Зеро, фарзандларимизнинг бахтли келажаги, бизнинг ҳам келажагимиздир.

### ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Еолян Р.И. Очерки арабской музыки. – Москва: «Музыка», 1977.
2. Н.Шодмонов “Жомийнинг мусиқий рисоласи” 2018 йил.
3. М.Хошимжонов “Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти”, А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2007.

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-5

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-5

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)